

РЕСПУБЛИКА ПАХТАСИ 2.000.000 ТОННАГА ЕТДИ ТОШКЕНТ ПАХТАСИ 250.000 ТОННАДАН ОШДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 197 (3679).

5

ОКТАБРЬ

ПАЙШАНБА

1967 й. и. л.

Баҳоси 2 тийин.

● Оққўрғоннинг азамат механизаторлари 46.000 тоннадан ортиқ пахтани машинада тердилар.

● Бўкалик дала гвардиячилари бункерлардан 40.000 тоннадан ортиқ олтин дурдона тўқдилар.

● Ўрта Чирчиқ шунқорлари „зангори кема“лар билан 30.000 тоннадан ортиқ „оқ олтин“ тердилар.

МАРРАГА ЕТГАН МАРД МЕХАНИЗАТОРЛАРГА МИНГ РАХМАТ!

УЧ РАЙОННИНГ МАРДИ-МАЙДОНЛАРИ

Шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун кўплар қатори астойдил курашаётган Оққўрғон районининг азамат механизаторлари пахтани машина билан териб йиллик планини муддатидан илгари шараф билан бажардилар. Шу кунгача «зангори кема»ларнинг бункерларидан эл хирмониغا 46 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўқилди. Ҳозир райондаги қолхоз ва совхозларнинг далаларида 870—880 та машина унумли ишлаб турибди.

Машина теримида Ленин номи, «Заря коммунизма», Хамза номи, «Победа», Димитров номи, «Ленинград», Охунбобоев номи қолхозларининг механизаторлари катта муваффақиятларга эришдилар.

«Озо» қолхозидан М. Хасанов, Д. Фармонов, «Заря коммунизма» қолхозидан А. Хван, К. Ким, Хамза номи қолхозидан Х. Турдубоев, Ким Бен Юк, «Победа» қолхозидан Г. Нурмухамедов, С. Цой, Ш. Гартеев, Ленин номи қолхозидан В. Ким, Р. Хабиев, У. Темиров, Димитров номи қолхозидан Х. Анитов, К. Турсев, Г. Дусебев, С. Ли

сингари ўртоқлар «зангори кема»лар билан 70—90 тоннадан «оқ олтин» териб олишга муваффақ бўлдилар.

Бўна районининг «зангори кема» капитанлари ҳам маррага етиб кетдилар. Район механизаторлари шу кунгача 40 минг тоннадан ортиқ пахтани машинада териб олдилар. Райондаги қолхоз ва совхозлар далаида 860—870 та машина ишлаб турибди.


Пахтани машина билан теришда Ленин номи, Калинин номи, «Гулливер», Тельман номи, «Октябрь 40 йиллиги» ва бошқа хўжалиқлар алоҳида намуна кўрсатдилар.

Маъсумда энг йўл пахта терган «Октябрь 40 йиллиги» қолхозининг механик-ҳайдовчиси Михаил Галин ҳамма ни қойил қолдиришда. У шу кунгача бункердан 140 тоннадан ортиқ пахта тўқди. Шунингдек унинг шерилари ака-ука Асеновлар, Темировлар номи қолхозидан М. Курбонов, А. Абдураулов, «Ленин йўли» қолхозидан М. Мамедов, Ш. Абдуллоев ўртоқлар ҳам 110—120 тоннадан пахта тердилар.

Ўрта Чирчиқ район механизаторлари ҳам машинада пахта териб планини бажарганилилари тўғрисида рапорт бердилар. Машинада билан 30 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олди. Шу кунларда район далаларида ишлаётган 620—625 та машина теримини тез суръатлар билан олиб боришда катта роль ўйнамоқда.

Районда машина терими планини муваффақиятли адо этишда Терешков номи, «Северный маяк» қолхозларининг механизаторлари аниқсиз гайрат кўрсатдилар. Шунингдек Куйбишев номи, «Партия XXII съезда», «Поларная звезда», «Ленин йўли», Охунбобоев номи, Калинин номи қолхозлар ва Киров номи совхоз механизаторлари катта гайрат кўрсатдилар.

Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районининг меҳнатсевар механизаторлари ўз районларида йиллик пахта тайёрлаш планининг тезроқ бажарилиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



Ўрта Чирчиқ райондаги «Ленин йўли» қолхозининг пахтакорлари юбилей йилида 23350 текта майдонини ҳар тектардан ҳамкида 30 центнердан ҳосил қўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир хўжалик далаларида 73 та «зангори кема» жавлон ўрмоқда. Ҳар бир суворий кунига 4—5 тоннадан пахта тўқилди. Улар орасида турсукойчи Махмуд Мамрапова алоҳида ўртак кўрсатилди. Суратда: ўртоқ М. Мамрапова агрегатини бошқармоқда. Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТНИ ВАЖАРИШ—МУҚАДДАС БУРЧ

Ўтаётган йилнинг бошқа йиллардан фарқи қандайдиган ўзгача мазмун, таъриф бора. Бу йил совет халқи, бутун прогрессив инсоният кишиликнинг асрлар давоидаги орзу-умидларини амалга оширган, қўллик, адолатсизлик кишиларини парчалаб, эзилган халқларга ғурафшон келажакка эришсининг нурли йўлини кўрсатиб берган. Ҳукуматнинг социалистик революциясининг, жаҳонда биринчи бор турган Совет давлатининг йиллик асрлик тўйини байрам қилдилар. Бепоя ва ғузал дийримиз эконоимиясининг турли жаҳадаарида филокорона меҳнат қилаётган кишилар ва деҳқонлар, транспортчилар ва алоқачилар, қурувчилар ва илмфан ахди, дилида ватанпарварлик ҳис-туйғуларини мавж урган ҳар бир соф виждонли киши ана шу буюк санани муносиб қишлоқлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам шу кунларда бу тўйни қатъатта тортиқлар билан кутиб олиш мақсади билан йилмоқдалар ва ишлайдилар. Хаммаинг дилида, фикрида шу ягона ният бор. Сановат қорхоналари, қурилишлар, транспорт ташкилотлари, қолхоз ва совхозларнинг қайси бирида бўлманг, ҳамма жойда мисли қўрилмаган аур кўтаринки руҳ, гайрат-шижоат тўла меҳнатнинг гувоҳи бўласиз.

Чуқки, областимиз меҳнаткашлари бу юбилей йилида зиммаларига юксак мажбурият олиб, уларни тўла-тўқис бажариш йўлида филокорона меҳнат қилмоқдалар. Махсулот тайёрлашни қўлайитириш, сифатини яхшилаш, таннанин арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қўйиники, эл юрт олдига берилган ваданинги удрасидан чиқини инжонинг берилган резервларини ишга сол-

моқдалар. Аксарият коллективлар ишлаб чиқариш жараёнида муттасил тақомиллаштирмоқдалар, меҳнат маданиятини яхшилаш, ҳар бир ишчи, инжонер-техник ходимнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборини қўлайитирилди.

Лафоз, ҳалол, аҳдиға вафодор ўйлаб коллективлар юбилей йилида зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажарганилилари ҳақида рапорт бердилар. Оққўрғондаги Кўмир разрезини шахтёрлари, В. И. Ленин номи металлургия заводи, протектичалари, «Учқўрғон» туңмачилик-талантиери фирмаси чеварлари, Чирчиқ ГЭСлари каскади ва Охангарон ГРЭСи энергетиклари, Тошкент тўшт комбинати, қатор бошқа завод-фабрикалар меҳнаткашлари шулар жумласидандир. Улар ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини ойдан-ойга яхшилаб бормоқдалар. Умуман, областимиз сановатчилари қўлга киритаётган ютуқлар чакли эмас. Шу йилнинг алий сановат махсулоти ишлаб чиқариш 9 ойлик илгари муддатидан анча илгари адо этилдики, бу қувончли бир ҳолдир.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, айниқса, етакчи тармоқ—«оқ олтин»чиларнинг юбилей йилидаги ишлари маътовга сазовордир. Ҳалла фронтининг азаматлари бу йил гоят катта зафар қўқдилар. Дубкорлар маррага етганилилари ҳақида рапорт бердилар. Пахтакорларимиз эз бўли тер тўқиб етиштирган «оқ олтин» ҳосилини мисли қўрилмаган тез суръатлар билан йиғиб-териб олмақдалар. Улар давлат оморига етказиб берган пахта миқдори 250 минг тоннадан ортиб кетди. «Оқ олтин» даладарининг меҳнатсевар, забардаст билакли деҳқон-

лари пахта тайёрлаш юзасидан берган вадаларини муддатдан анча илгари адо этишларига иншончимиз қонил.

Жойлардаги қўйчилик партия, касабаси союз ташкилотлари, хўжалик орақлари юбилей йилининг халқ хўжалигининг барча тармоқларида каттақатта ютуқлар йили бўлиши учун ташкилотчилик, оммавий-сиёсий, тарбиявий-маданий ишларини янги логонга қўйганликлари тўғрисида шундай натижаларга эришилмоқда. Улар меҳнаткашларнинг куч-гайрати, илқидий иланишларини, фикри-иқриғини Ҳукуматнинг алий асрлик тўйини муносиб кутиб олиш, бу жаҳоншумуш-тарихий сана шарафига олганинги социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли адо этилишига сафарбар этадилар.

Халқимизнинг «Мажбурият олдинки, уни бажари» деган ақолиб нақли бор. Эл юрт олдига берилган ваданинги удрасидан чиқини эса ҳар бир коллектив учун шарафли бурчдир. Айниқса, Ҳукуматнинг юбилейи муносибати билан олганинги мажбуриятни бажариш ҳам қарз, ҳам фарздор. Лекин, афсуски областимизда аввал бошда катта катта вадалар бериб, амалий ишда уни рўёбга чиқараолмаётган қорхоналар раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Бу социалистик мусобақани қизитмаслик, унинг ҳа-

қиқатан ҳам оммавий бўлишини таъминламаслик, ишчилар, инжонер-техник ходимлар меҳнати нухта уюштирмаслик, ишлай чиқаришни ташкил этиш, резервларини ишга солтишда йўл қўйлаётган камчиликлар, содир бўлаётган чалқашликлар, моддий-техника таъминоти идаги етишмовчиликлар оқибатидир. Қатор қурилиш, автомобиль транспорт ташкилотлари, аксарият гишт заводлари, майнинг хизмат кўрсатиш қорхоналарида шундай ахволни қўриш мумкин. Олганинги мажбурият у йўлда турсин, катта қонун қўғишга эга бўлган давлат ишларининг бажарилиши қорхоналар ҳам бор. Областимизда шундай коллективлар сон қирқтадан ортиқроқдир. Олмағини шаҳар, Оққўрғон ва Бўка районлари сановатчилари, жуда кўп қурилиш ташкилотлари шулар жумласига кирди.

Буюк сана байрам қилинадиган кунга бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Район ва шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, касабаси союз ташкилотлари шу қолган вақт ичиде ўз фаолиятларини яхшилашлари, ҳар бир қорхона, цех, участка, бригада ва айрим ишчи томонидан план ва мажбуриятларининг бажарилишисига сабабларини пухта ўрганиб чиқилари ҳамда уларни бартараф этишлари, ҳамма н и н и т

унумли ва сифатли ишларни учун зарур шароитларни ярати беришлари даркор. Муваффақиятлар гарови бўлган социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг оммавийлигини таъминлашда нуқсонларга чек қўйиш, бу мусобақа давомида вужудга келган ҳамма фойдали ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёйиш лозим.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг совет халқи фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирларини областимиз меҳнаткашларининг тайрат-шикоятини ишда майин удриб юборди. Шу тўғрисида вужудга келган меҳнат кўтаринкилигини, ижодий активлигини, тобора авж олаётган социалистик мусобақани ҳар бир коллектив олдига турган вазифаларини, зиммадаги социалистик мажбуриятларининг нафари билан бажарилишига сафарбар этмоқ даркор.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйи шарафига олганинги социалистик мажбуриятларининг тўла-тўқис бажарилишига эришиш ҳар бир коллективнинг муқаддас бурчидир. Шунга эришайликки, юбилей йилида шу санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан олганинги ваданинги удрасидан чиқмаган бирорта ҳам қорхона, участка, бригада, ишчи қолмасин.



ОКТАБРЬ революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводи коллективни КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини аур қизини билан ўрганимоқдалар. Барча цех ва участкаларда агитаторлар Пленум материаллари юзасидан сўхбатлар ўтказишмоқда, бу тарихий ҳужжатларни ўқиб бермоқдалар. Суратда: 1-цех бошлиғи ўртоқ А. Касков цех ишчи ларядан бир гуруҳасига Пленум А. Палехов фотоси.

ЮБИЛЕЙГА РАПОРТЛАР

Шу кеча-қундузда областимиз пахта далаларида зўр меҳнат кўтаринкилиги ҳўкм сурмоқда. Айниқса, шонли дала гвардиячилари бир гайратта ўн гайрат қўлиб меҳнат қилиб, юбилей йили «оқ олтин» хирмониға тобора кўпроқ барак киритмоқдалар. Ҳар кўни редакциямизга ажойиб хушхабарлар қанот қўқиб келяпти. Пахтакорлар шонли юбилейга галаба рапорти беришляпти.

Мана, қўлимизда бир неча рапортлар. Оққўрғон райондаги «Победа» қолхози пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажарди. Шуниси диққатга сазоворки, бу қолхоз меҳанизаторлари ҳосилининг 98 процентини «зангори кема»лар билан йиғиштириб олдилар. Давлатта салкам 2 минг тонна пахта сотиб, галаба манзилга етиб келган «Коммунизм» қолхозининг пахтакорлари планга қўшимча равишда яна 400 тонна пахтани оша-Батага армуғига қилиш мажбуриятини олдлар. Райондаги Калинин номи қолхоз деҳқонлари ҳам давлатга қарийб 1100 тонна «оқ олтин» сотиб, катта галабага эришдилар. Меҳанизаторлар ҳосилининг 83 процентини йиғиб-териб олишди. И. Ахмедов, С. Қўчинбоев, Б. Худойбердиев, У. Нўлдошев ўртоқлар бошчилик қилаётган участка ва эвенолар бир неча

қундан бўён социалистик мажбурият ҳисобига пахта топишмоқдалар.

Ленин орденли «Ўзбекистон ССР бош йиллиги» совхозининг илор бўлим ва эвенолари ҳам биринчистини маррага етиб келмоқдалар. Ўртоқ Д. Токов бошлиқ бўлим деҳқонлари йиллик планини 16 иш кунда бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу ерда ҳозиргача давлатта топирилган 2400 тонна пахтанин 2370 тоннаси еки 99 проценти машина ва меҳанизмлар ёрдамида йиғиб-териб олди. Сергайрат механик-ҳайдовчилардан Ридван Чки, Абдусаттор Сулаймонов, Иброҳим Акбаров, Эибер Алиев сингари ўртоқлар шу кунгача 130—140 тоннада «оқ олтин» тердилар. Бўлим пахтакорлари ҳосилдорлигини қаминда 31 центнерга етказиш учун социалистик мажбурият ҳисобига пахта топиришни қўи сайин қизғин давом эттирмоқдалар.

Бўка райондаги Ленин номи қолхоз аъзолари ҳам юбилей йили маррасини эғалладлар. Бу хўжаликка планга бажаришда Х. Марасулов, М. Норкулов, А. Қаршабев, Т. Маматқулов, Х. Оролов ўртоқлар бошлиқ участка ва эвеноларнинг деҳқонлари ўртак кўрсатилди.

Офарни сизларга, голиб пахтакорлар!

Журнал ПАХТАСИ

Юбилей йили пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганилилари учун қўнидагилар област «ЖУРНАЛ ПАХТАСИ»га ёзилдилар.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БУНИЧА

Х. Турсунқулов номи қолхозининг Т. Темиров бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 220 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу қолхозининг М. Камолов бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 220 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Шу қолхозининг Р. Нўлдошев бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 200 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

«Партия XXI съезда» қолхози (район Гафоров, партия ташкилотининг секретари Ҳалимбоев, бош агроном Бегматов, бош инжонери Бойматов, комсомол ташкилотининг секретари Раҳмонбердиев ўртоқлар). Бу қолхоз пландан ташқари 600 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Юбилей йили ОҚ ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 4 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Районда	бир кунда	Машина терими	
		мавсум бошидан бери	мавсум бошидан бери
Оққўрғон	3,13	80,62	3,70
Янгийўл	2,65	86,70	3,39
Бўка	3,76	81,31	4,86
Ўрта Чирчиқ	3,36	79,37	4,40
Юқор Чирчиқ	3,50	78,06	5,50
Оржоникидзе	2,68	69,26	4,27
Бескобод	3,15	51,07	4,10
Област бўйича:	3,22	79,33	4,16

буслар чиқарилмаётган эди.
нинг ассий сабаби шиферлар
ишмасидадир. Маъмурият бу
мечиликни йўқотиш мақсадида
шиферлар тайёрлаш курслари оя-
Автобус шиферлари устидан
итролликни кучайтириш, авто-
сларни кечиктириш ўз вақтида
да чиқариш тўғрисида диспет-

ШОЛИ—ДОННИ КЎПАЙТИРИШДА КАТТА РЕЗЕРВ

Бекобод шоликорлари юбилей йилида 7.253 тонна ҳосил етиштириб, давлатга 4.255 тонна шоли сотадилар



нинг ихтиёрига ҳосилдор ерлар ажратиб берилади. Бригадалар ишини кўзга солишда қарорлар билан мустақамланди. Буларнинг ҳаммаси беш-олти йил ичида ҳар гектаридан олинган ҳосилни илгарикига нисбатан 6—8 центнер кўпайтириш имкониятини берди.

Бугунги кунда биз Навоий номи, «Коммунизм» колхозларида гектаридан 33 центнергача етказиб ҳосил олишга эришдик. «Октябрь» 46 йиллиги иттифодлаштирилган шоликорлик совхозларида мўл ҳосил етиштириш соҳасида йил сайин бой тақриб орттиришга эришдик. Бекобод шоликорларида бу йил ҳам ҳосил чакки эмас. Ўтган йили давлатга 3825 тонна шоли топшириб ҳосилдорлигини 29 центнерга етказган азаматлар бу йил янги марраларга интилоқда. Район бўйича ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топшириш мақсадида йил бўйи фидокорона меҳнат қилинди.

Ҳозир бу меҳнатнинг натижалари кўзга яққол ташланиб қолди. Ҳамма ерда ҳосил ўрмига қизғин тайёргарлик бора-ётиб.

Лекин Бекободда шоли етиштиришнинг ҳамма имкониятларидан тўла фойдаланишми, барча ҳужаликлар ҳам ҳосилдорлигини ошириш йўлидан бора-ётибларми?

Агар райондаги шоли етиштирувчи бригада, зvenoларнинг

Суратларда: (юқоридан пастга) Навоий номи колхознинг шоликорлик бригадаси зveno бошлиғи Каримов, «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг директори Тен Алексей ўртоқлар

га экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш борасида қисқа вақт ичида анчагина ютуқларни қўлга киритдилар. Агар дастлабки йили ҳосилдорлик 20—25 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили 1570 гектар ерда шоли экилиб, ҳар гектаридан 25 центнер ўрнига, 31,5 центнердан ҳосил топширилди. Сарф қилинган ҳар бир сўм эвазига бир сўм 23 тинидадан пул олинди. Совхоз бўйича 96 миң сўм даромад қилиш мўлжалланган эди. Ишчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳосил мўл бўлди ва ҳужалик бўйича 280 миң сўм фойда олинди. Совхоз рентабелли ҳужаликлар қаторига чиқиб олди. Энг муҳими шунки, ҳужаликда сифатли уруғлик тайёрлаш йўлига қўйилди. Ҳозир бу совхоз тайёрлаб берган элита уруғлари билан фақат областимиз ҳужаликларига эмас, республикамиздаги шоликор ҳужаликлар ҳам таъминланмоқда.

Совхоз шоли етиштиришнинг кўпайтиришда озми-кўлими ўз тақрибига эга. Бу тақрибга нималардан иборат? Дастлаб шунинг айтиш керакки, бу ерда барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўқазилди. Шоли ҳам—пахта сингари нозик ўсимлик. У ҳам ерларнинг экинидан олдин сифатли тайёрланиши талаб қилади. Совхоз агрономлари, мутахассислар бригадир, зveno бошлиқлари, ҳар бир ишчи ана шу қоидага амал қилди. Иккинчиси шунки, ҳушдор обдон сараланиб сўнг экилади. Совхоз ҳар йили ўзига етарли уруғни ўзи тайёрлайди. Экинган уруғларнинг деярли 96—97 процентини ўзи чиқари.

Ерлар экинга обдон тайёрланган, экин муддати белгиланади. Дастлабки йилларда шоли

Ҳар йилгидек бу йил ҳам илгорларни рағбатлантириш совхоз дирекцияси ва партия ташкилотининг даққат марказида бўлади. Шу мақсадда мукофот фондига уч миң сўм пул ажратилган. Ҳар 10—15 кунда бригада, зvenoлараро мусобақа якунлари қўрилиб, илгорларга қўйма Қизил байроқ пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар берилади.

ИШОНЧ—ОЛИЙ МУКОФОТ

Кишига билдирилган ишонч—бу унинг учун энг олий мукофотдир. Жамоатчилик сенга ишонч билдириб, сени раҳбар, бригадир ёки зveno бошлиғи ва бошқа лавозимга тайинлаб қўйдими, сен, албатта, бундай ишончга ишонч билан, ғайрат-шижоат, баракали меҳнат билан жавоб беришинг лозим.

Шоликорлар орасида билдирилган ишончнинг оқлаб ўз бригадаси, звеноси бўйича меҳнатни намунали ташкил этиб баракали, арзон ҳосил етиштириб бераётганлар оз эмас. Улар ўзларининг тақриблари, мажоратларини тобора ишга солиб машғуллар қаторидан ўрни олимоқдалар.

«Октябрь 46 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи Жен Александр ана шундай машғуллардан биридир.

Бу бригада ўтган йили 87 гектар ерининг ҳар гектаридан 38,3 центнердан шоли ҳосили олди. Бунда Тен Павел, Ше Алексей сингари пешқадаларнинг хизмати каттароқ. Ҳақдор меҳнат катта даромад келтирди. Бригада пайдандан ташқари топширилган шоли учун давлатдан 26,5 миң сўм пулни мукофотга олди. Бу пул бригада аъзолари ўртасида тақсимланди. Ҳар бир ишчига ўрта ҳисобда 400—600 сўмдан мукофот пули теғди.

Ана шунинг айтишларда, ишончга яраша мўносиб меҳнат, мўносиб туҳфа деб!

Машғул шоликорлик бригадаси ишчиларининг бу йили ҳаракатлари янада бошқача, янада янги. Улар янги ерларни ўлаштириш хисобига экин майдонини 110 гектарга етказдилар. Бу майдонда шолидан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектаридан камида 40 центнердан шоли топширишга бел боғлашган азаматлар шу кунларда танлаб ўришни бошлаб юбордилар.

— Уримни,— деди бригадир,— узоғи билан 1 ноябргача тугаллашимиз.

Совхозда Жен Александрнинг издошлари Кўп. Холиқулов ҳам пешқадам шоликор. У ташкилотчиллиги, меҳнатини севиши туфайли бўлим бошлиғи даражасига кўтарилди.

— Ҳозир биз шоли ётираётган ерлар,— дейди у,— бир вақтлари «Чанок» совхозининг бир бўлиғи бўлган. Ерин меҳр билан ишлаб унинг парваршишнинг ўрнига қўйишганимизни туфайли йилдан-йилга ҳосилдорлик кўпайиб бораётган. Биринчи йили ҳар гектаридан 28 центнердан, иккинчи йили 31,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил 35 центнер учун курашмоқдамиз.

Унинг бўлимининг янгилик ташаббуслари сифатида мактабдаги «Дархона» бўлимида жон бор. Бу бўлим шоли экишда соғалган муваффақиятларни фойдаланиб, бошқаларга ўрнатиб бериш. Бегона ўғилларни йўртинида гербицидлар ҳам муваффақиятли қўлланган. Бўлим шоликорлари, олимларимиз бига ана шу гербициддан кўпроқ етказиб беришнинг деб айтилди.

Бекобод районида шоликорликнинг «сирларини» тобора чуқур ўрганиб, бу экиндан йил сайин баракали ҳосил олаётган машғуллар ҳар бир ҳужаликда ҳам бор. Навоий номи колхоздан Каримов, «Победа» колхозидан Хон сингари ўртоқлар бугунги кунда Бекободнинг машғул шоликорлари хисобланадилар. Агар сиз шу кунларда бу илгорларнинг даласида бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам ҳар бир иш сарсонлигида экинларнинг кўрасиз. Ўрим-йигимга ҳамма нарсаси бекам учат шай қилиб қўйилган.

Яқинда бўлиб ўтган район шоликорларнинг йилгишида бу машғуллар учрашиб қолди. Улар тақрибларини ўзаро ўртоқлашиб, юбилей йилида ҳар ҳақиқатдан ҳам ўнумли меҳнат қилиш, ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Шунда машғуллардан бири тақриб қолди.

— Иштиришнинг ҳолати йўқ,— деди у,— шоликорлар орасида ишончнинг оқлабганлар ҳам топилиб туради. Улар ўзларининг агрономлик ани бўлмаси билан 25 октябргача тугаллашади. Ана шундан сўнг совхоз ҳар кун даватла 200—250 тонна шоли топширишни, давлат пиланини узоғи билан 5 ноябргача бажаришни мўлжаллаб турибди.



ЯНГИЙ ҲАҚИ

«Интернационал» колхозда шолдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Колхознинг ўртоқ Шек Николай бошлиқ шоликорлик бригадаси аъзолари 78 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда янги ҳосилни ўриб-йигиб олишга қизғин тайёргарлик қўрилмоқда. Суратда: бригадир Шек Николай (чапдан) ва колхозчи Хван Дин Хо ўртоқлар шолдоқда.

ЯНГИЛИК ИЗЛАЙЛИК

Ҳақ гап. Етиштирилган шолнинг бир кўпиграмининг ҳам талон-торож қилинишига йўл қўймайлик.

Ушба кенгашда шоли етиштиришнинг кўпайтиришнинг яна бошқа қанчадан-қанча резервлари, истиқболлари, ҳозирги кунда ўриш-йигимни ташкил қилиш соҳасидаги амал қилиш керак бўлган энг муҳим вазифалар тўғрисида ҳам жуда кўп фойдаланган гаплар бўлди.

Энг биринчиси шунки, ҳар бир зveno, ҳар бир участкада шоли ўрмининг қачон бошлаш, қачон тугаллаш муддатларини олдиндан белгиллаб олиш лозим. Бунда ўша ҳужалик, бригада ва зvenoларнинг шароити, албатта,

ШОЛИКОРЛИК ДА ДЕКОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, МЕХАНИЗАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, МИНЕРАЛ УЎГИТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИШЛИ БИЛАН БАРЧА ШОЛИКОР КОЛХОЗЛАРДА ХАМДА СОВХОЗЛАРДА ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚУШИМЧА ЧОРАЛАР ҚУРИЛСИН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленуми қароридан).

хисобга олиниши керак. Сўнгра, ана шу графиканинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиб бориш, унинг бузилишига сира-сир йўл қўймайлик лозим.

Ҳар бир ишнинг муваффақиятини одамлар, далада меҳнат қилаётганлар ҳал қилади. Ҳужалик раҳбарлари, партия ташкилотларнинг секретарлари шоликорлар тўғрисида тинимай гап-мулоҳазалар қилишлари зарур.



Суратларда: (чапдан ўнгга) 3-«Далварзин» совхозининг участка бошлиғи Ким, «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг бўлим бошлиғи Қ. Холиқулов, «Коммунизм» колхозининг бригадир Александр Жен ўртоқлар.

Киши фидокорона меҳнат қилиб, меҳнатнинг меvasини ўз кўзи билан кўрса, кўпроқ ютуқга эришса, шунга яраша ҳурмат оғаси бўлишни истади. У ана шундай ҳурматга эга бўла ола-ди, ғайратига янада ғайрат қўшалади. Бугун нечагидан, эртага эса бугунгидан баракали меҳнат қилишга тиришади. Ана шунинг хисобга олиб ҳар бир ҳужаликда илгорларнинг моддий рағбатлантиришнинг турли хил усулларидан фойдаланайлик.

Социалистик мусобақанинг қоласида қилиб кетишга йўл қўймайлик. Ҳар бир ҳужалик, бригада илгорларини рағбатлантириб туриш учун ўзининг кўчма қизил байроғига, ғимелларига эга бўлсин.

Ҳаммаини маълумки, йил бошида бригада ва зvenoлар билан ҳужалик хисоби асосида ишда юзасидан шартнома тузилган. Партия ташкилотлари ҳамма ерда бу шартноманинг бажарилишини кузатиб боришлар.

Ўтган йили авки ўрим-йигим қизғин пайларда баъзи жойларда бу шартноманинг бузилишига йўл қўйилган. Пандан ташқари олинган шоли ҳосили баъзибир шоликорларга шартномада кўрсатилган процентдан эмас, анча кам берилган. Бу йил ҳеч қандай ҳужалик хисоби юзасидан тузилган шартноманинг бузилишига сира-сир йўл қўйиб бўлмайди. Шарт бузилса, ишчилар йўқолади. Ишонч йўқолади, деган сўз ўша ишнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини, ҳафсаласи сўнди деган сўз, ҳосилдорлик камийиб кетди деган сўз. Демократизмни, меҳнат қачон хисобга олиш ва олинаётган ҳосилни хисоб-китоб қилиб бориш пухта бўлиб қўйилсин.


Бу соҳада озгина бўлса ҳам эътиборсизлик, ҳафсаласизликдан йўл қўйиш ишга катта зийн етказилади.

Бекобод райони шоли етиштириш соҳасида областимизда энг салмоқли ўринлардан бирига эгаллашди. Демак, шундай экан, бекободликлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга илгор фан тўғрисида, янгиликларни жорий қилиш тўғрисида доимо беш қотиришлари керак.

Шу ўринда икки партия ҳодимати ҳисобга бўлиб ўтган суҳбат қилтирилади.

Н. РИХСНЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Суратларда: (чапдан ўнгга) 3-«Далварзин» совхозининг участка бошлиғи Ким, «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг бўлим бошлиғи Қ. Холиқулов, «Коммунизм» колхозининг бригадир Александр Жен ўртоқлар.



Бекобод районида йилдан-йилга ҳосилдорлигини ошираётган усташ шоликорлар сафи кенгайиб бормоқда. Суратда: Бекободлик илгор шоликорлардан—«Победа» колхозининг бригада бошлиғи Хан Илья (чапдан), «Октябрь 46 йиллиги» иттифодлаштирилган совхоздан Ким Николай, ана шу совхоздан Тен Григорий ўртоқлар ўзаро суҳбатда.

ОЛТИН БОШОҚЛАР

Миллий таъминот пиланини сезмаган ким бор. Бир сўз билан айтганда шоли ҳар қандай таъмига лаззат бахш этади. Шу туфайли ҳам партия ва ҳукуматимиз бошқолари дон экинлари қатори шоли етиштиришнинг кўпайтиришга ҳам йилдан-йилга катта аҳамият бермоқда. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қилинди. Пленумда шоли—дон етиштиришнинг кўпайтиришнинг катта резерви эканини алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, шоликорликнинг ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ҳукуматимиз ҳужаликларга кўнлаб ўғит, техника, уруғлик етказиб бераётган экан, бу имкониятлардан тўла фойдаланиш лозим. Кўпгина районларда махсус иттифодлаштирилган шоликорлик совхозлари ташкил этилди. Бошқа яна қатор-қатор тадбирлар қўрилмоқда.

Бекобод районининг кишлоқ ҳужалик меҳнаткашлари ҳам партия ва ҳукуматимизнинг рағбатига жавобан, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўлигини мўлжаллаб келтириш билан бирга шоликорликни ривожлантиришга ҳам қизғин аҳамият бермоқдалар.

Бундан беш-олти йил илгари районда ҳар гектаридан олинган шоли ҳосили 18—20 центнердан ошмасди. Деҳқончилик маданиятини тобора ошираётган, ишлаб чиқаришга янги фан ва тақрибга ютуқларини жорий қилаётган бекободликлар кейинги йилларда шоликорликни оёққа турғазиб борасида кўпгина ишларни қилдилар. Ҳужаликларда шоли етиштириладиган бригадалар кўпайди. Улар

фаолияти билан танишадиган бўлсан, ҳақиқатан ҳам шундай. «Чанок» совхозининг пахта етиштиришнинг кўпайтириш соҳасидаги донги областга маълум. Лекин ана шу ҳужаликда ўтган йили гектаридан 13,5 центнердан ҳосил олинди. Бунинг нормал ҳол деб бўлади. Нима, бу совхозда техника йўқми, уруғлик етишмайдики?

Сўхбатлардан бирида шу ҳақда гап кетганда совхоз директори Тўрақулов ўзини оқлашга ҳаракат қилди.

Бизда шоли экин учун иккинчи ва учинчи даражали ерлар ажратиб берилди.— деди у.— ҳамма гап шунда. Энди бундан беш ерларимизни яхшилаб олади. Бу йил ҳар гектаридан 30 центнер шоли топширамиз.

Директорнинг баҳонасига қўшилиб бўлмайди, албатта. Ҳамма гап шунданки, бу совхозда шоликорликнинг ривожлантириш маданияти талабга жавоб бермайди. Бригада, зveno бошлиқларига талабчанлик кучайтирилмаган.

Ҳужаликларда шолнинг ўришга пухта тайёргарлик билан қилиниши лозим. Етиштирилган ҳар бир килограмм ҳосил хисобда бўлисин. Ўриб янчилиган шоли ҳосилини маҳаллий совет органлари орқали қончилантириб, сўнгра давлатга топширишга риоя қилайлик. Ана шунда етиштирилган барча ҳосил давлат оморларига етказиб берилади.

УРУҒ САРА БЎЛСА...

Юқорида биз «Октябрь 46 йиллиги» шоликорлик совхозига тақриб қилиб келдик. Бу совхоз бундан тўрт йил илгари йилдоқ ерда ташкил этилган эди. Совхоз ишчилари партия ва ҳукуматимиз ёрдамига таяниб, янги ерларни ўзлаштириш хисоби-

